Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan | 2002 yil, 29 noyabr № 49 (534) | Sotuvda narxi erkin

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Агентлик, Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари аҳволи ва ривожланиш истиқболлари"га бағишланган икки кунлик халқаро семинар ўтказилди. Унда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги халқаро ташкилотлар, компания ва фирмалар вакиллари, вазирлик ва идоралар ходимлари иштирок этди.

Семинарни Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директори Ш.Охунжонов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.Арипов ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Р.Конрой сўзга чиқиб, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида тубдан ўзгариш ясаш бўйича талай ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди. Шунингдек, семинарда Агентлик Бош директори ўринбосари Ш.Обидхўжаев, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р.Исаев ва бошқалар маъруза қилди. Маърузаларда АКТни ривожлантириш ва жорий этиш бугунги кунда мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тадбир якунида мамлакатимизда АКТ ривожига қулай муҳит яратиш, қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, келажакдаги вазифаларни белгилаш борасида ҳам фикрлашилди.

**Ўз мухбиримиз**

## ЭКСПРЕСС — ПОЧТА

Пойтахтимизда 1999 йилнинг апрелидан буён "Тошкент почтамти" АЖ қошида ташкил этилган "Экспресс — почта" курьерлик хизмати фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мазкур тижорат хизмати Тошкент шаҳри доирасида экспресс жўнатмаларни қабул қилиш ва элтиб бериш бўйича тўлов имкониятига эга бўлган ҳар қандай ташкилот ҳамда фуқароларга хизмат қилади. Хизматнинг асосий хусусияти қабул қилинган буюртма — ҳужжат, пакет, ҳисобот, китоб маҳсулотлари, сурат ва рекламаларни тезкорлик билан белгиланган муддатда етказиб бериш ҳамда жўнатмани тегишли шахсга топшириб, бу ҳақда жўнатувчини хабардор қилишдир.

"Экспресс — почта" жўнатмаларини элтиб беришни такомиллаштириш бўйича почтамт жамоаси томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, телефон ўрнатилган иш жойлари ажратилиб, почта ташувчи машина реклама билан безатилди ва унда "Почта" белгиси кўрсатилди. "Экспресс — почта" бўйича сервис хизмати кўрсатувчи махсус папка ва сумкаларга "ЭП" белгиси ёзиб қўйилди ҳамда мижозларни жалб қилиш учун ташкилотларга таклиф хатлари юборилиб, газеталарда рекламалар эълон қилинди. Шунингдек, "Бизнес, офис, банклар — 98" маълумотномасида мазкур хизмат ҳақида батафсил ёзилган.

Бажарилган буюртмалар учун тўловларни қабул қилиш шартномавий тарифлар асосида нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Юридик шахслардан буюртма қабул қилинаётган чоғда олдиндан ҳақ талаб қилинмай, ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома етарли ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда доимий мижозлар ахтарилмоқда. Тошкент шаҳри миқёсида "Экспресс — почта" хизмати кўрсатишга доир шартномалар тузиляпти.

**Н. КАМОЛОВА**

## АЛЛО, СИЗНИ "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎРИНБОСАРИ ЭШИТАДИ!

**Ҳурматли муштарийлар!**

**1. Сиз Республика почта хизмати бўйича қандай таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирмоқчисиз!**

**2. Пенсия тўловлари, хат-хабар, матбуот нашрлари ҳамда пул жўнатмалари етказиб бериш хизмати Сизни қониқтирадими?**

**3. Почта алоқа бўлимларининг мижозлар билан ишлаш, кўрсатилаётган хизмат сифати, почта ходимларининг касб маданиятидан кўнглингиз тўладими?**

Хуллас, Сизни қизиқтираётган барча саволларга шу йил, 24 декабр куни, соат $10^{00}$ дан $12^{00}$ гача "Ўзбекистон почтаси" ДАК Бош директори ўринбосари **Раҳимжон ТУРҒУНОВ** 136-36-57 телефони орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Мактубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй, "Ўзбекистон почтаси" ДАК ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Xabar" таҳририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади:

136-01-89, 133-62-34, 136-09-21 (факс),
144-29-09, 136-36-42 (факс).

Электрон почта манзили: habar@uzapt.uzpak.uz

***"Бевосита мулоқот"да кўтарилган долзарб савол-жавоблар газетамизнинг 2003 йил, 3 январ сонида чоп этилади.***

**ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ**

## ЯНГИДАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛДИ

***"Ўзбектелеком" АКнинг хориж сармоядорларига 51 фоиз акцияларни сотиш ва телефон аппаратига бўлган эҳтиёжни таъминлаш ҳамда Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган ҳукумат қарорига асосан истеъмолчиларнинг маълумот узатиш ускуналари, компютер технологияларига бўлган талабини қондириш зарурати Урганч шаҳридаги алоқа заводи мақомининг ўзгаришига таъсир кўрсатди. Қайта ташкил этилган завод базасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида оммавий тарзда фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқишни йўлга қўйишга қарор қилинди.***

"Алоқа-ДЭУ" заводи 1996 йили қўшма корхона шаклида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) ҳамда Жанубий Кореянинг "ДЭУ Телеком" компанияси ҳамкорлигида ташкил қилиниб, коммутация жиҳозлари ва телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Қисқа давр мобайнида барча техникавий имкониятлар яратилиб, цехлар ташкил қилинди ва жиҳозланди. Шунингдек, керакли ускуналарни келтириш, юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Тез орада бу ерда DTS-1100A ва DTS-3100 шаклидаги АТСлар ишлаб чиқарилди. 132 минг нусхада чиқарилган мазкур қурилмаларнинг бир қисми экспорт қилинган бўлса, қолгани мамлакат ичкарисида фойдаланилди.

Заводда ишлаб чиқарилган 200000 дан ортиқ телефон аппаратлари ҳам тезда экспорт қилинди ва мамлакатимиз бўйлаб тарқалиб кетди.

Бироқ "ДЭУ-Телеком" компаниясининг Жануби-Шарқий Осиёдаги инқирози бу заводга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Натижада АТС ускуналари тайёрлаш тўхтатилди, телефон аппаратлари ишлаб чиқариш эса камайиб кетди. 1999 йилга келиб бозорга анча арзон ва сифатли ЭАТС жиҳозлари бошқа ташкилотлар томонидан киритила бошланди. Завод имконияти ва мутахассис кадрлар тайёрлаш талабга жавоб бермай қолди. Оғир вазиятдан чиқиш йўли қидирилиб, ниҳоят мақсадга эришилди. Қўшма корхонанинг умумий йиғилишида "ДЭУ-Телеком" қарзини учинчи томон орқали бартараф қилиши ва "EASTWELL' S.A" (Буюк Британия) компаниясининг ҳамкорлигида заводни қайталан ташкил этиш ҳақида қарор қилинди. Эндиликда замонавий, жаҳон андозаларига мос келадиган телефон аппаратлари ишлаб чиқарилади. Дизайни яхшиланган бу аппаратларнинг мижозлар томонидан қизиқиш билан харид қилиниши кутилмоқда. Ахир бугунги кун телефон алоқасини замонавий ва қулай аппаратларсиз тасаввур этиш қийин-да!

Британия компанияси икки йил давомида техникавий ускуналар ва бошқа жиҳозлар шаклида ҳар йили 200000 АҚШ доллари миқдорида сармоя билан таъминлайди. Шунингдек, компания молиялаштириш, хориж сармояларини киритиш ва тижорат-савдо операцияларини бажаради. Ҳозирдан 2003 йили заводда 100000 дан ортиқ телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга тайёргарлик бошлаб юборилган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан янги маҳсулотлар чиқаришни йўлга қўйиш ишлари амалга оширилиб, қўшма корхонага юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, маҳсулотларни республика ва хорижга тарқатиш имкониятлари ўрганилмоқда.

— Уддалаймиз, — дейди корхона директори Олланазар Бекназаров. — Икки йилга 1 миллиард сўм миқдоридаги фьючер шартномаси тузилиб, амалга киритилди. Бу сармоя тузатиш ва монтаж ишлари, DTS тизимидаги рақамли коммутация мосламалари устидан тест синовлари ўтказишга сарфланади. Ҳозиргача 70 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Завод Низом жамғармасига биноан улушнинг 51 фоизи хорижлик ҳамкорларга, 49 фоизи эса Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тегишли экани келишиб олинган.

**А.КУДИНОВ**

**Сирдарёдан дараклар**

## САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

"Сирдарё Телеком" филиалида Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш маркази 10 йилдан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказда тасдиқланган иш режаси асосида вилоятимиз алоқа корхоналарида ишлаётган муҳандис-техниклар, телефончи, телеграфчи, электромонтёр, электромеханик, кабелчи-пайвандчи, оператор ва бошқа ходимларнинг касб малакалари оширилади. Назарий ва амалий машғулотларни олий маълумотли ва тажрибали етакчи мутахассислар олиб боришади.

Шунингдек, марказда уч ойлик компютер техникаси, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ва русийзабон ходимларга Давлат тилини ўргатиш курслари ташкил қилинган. Ҳисобчи, иқтисодчи ва кадрлар хизмати ходимлари учун ҳам бир-икки кунлик семинарлар ўтказилади.

Туман ва шаҳар алоқа корхоналаридан малака ошириш курсига келган ходимлар корхонамиз ҳисобидан ётоқхона ва тушлик иссиқ овқат билан таъминланадилар. Корхонамизнинг муҳандис-техник ходимлари Марказ орқали шартнома асосида Тошкент шаҳридаги Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент алоқа коллежидаги малака ошириш курсларига ўқишга юборилади. Марказ ҳар йили Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кириш учун тайёрлов курсларига тингловчилар юборишни ташкил қилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини изчил амалга ошириб, корхонамизни олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида 15, Тошкент алоқа коллежида 19 нафар талабани шартнома асосида ўқитмоқдамиз.

Ҳозирги кунда корхонамизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 мартдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонини бажариш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

## ИНТЕРНЕТ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Замонавий компютерлаштиришни ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиясини жорий қилиш ва аҳолининг компютерга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида "Сирдарё почтаси" акциядорлик жамияти Гулистон шаҳридаги марказий почта залида Интернет бўлимини очди.

Айни дамда замонавий жиҳозлар билан таъминланган бу бўлимда мижозларга компютерда ишлаш, электрон почта, керакли ахборотларни оқ-қора ва рангли тасвирларда чоп этиш, матнлардан нусха кўчириш, ахборот ва хат-хабарларни факсдан юбориш ва қабул қилиш бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

"Сирдарё почтаси" акциядорлик жамияти 2003 йилнинг биринчи чорагида бу каби Интернет хизматини ўзининг ҳамма филиалларида ташкил қилишни режалаштирди.

**У.РАЖАБАЛИЕВ,**
**"Сирдарё Телеком" филиали етакчи муҳандиси**

# МАВСУМНИНГ ҲАР БИР КУНИ ҒАНИМАТ

• Обуна — 2003

***Республикамизда обуна мавсуми қизғин бормоқда. “Матбуот тарқатувчи” АКнинг жойлардаги бўлимлари ходимлари ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.***

***Мухбиримиз “Андижон вилояти матбуот уюшмаси” масъулияти чекланган жамияти директори Камолиддин ҲАСАНОВ билан обуна бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.***

**— Камолиддин ака, аввало ҳорманглар. Обуна ишлари чарчатиб қўймаяптими?**

— Чарчасак-чармасак обунани кўнгилдагидек ўтказиш бош мақсадимиз. Бу мавсумнинг ҳар бир куни ғанимат. Чунки корхонамизнинг келгуси йилги тақдири бугунги саъй-ҳаракатимизга боғлиқ.

**— Билишимча, мавсумга жиддий тайёргарлик кўргансизлар шекилли?**

— Албатта, бусиз бўлмайди. Ташкилий ишларни, яъни матбуот дўконларини керакли бланка, матбуот каталоги билан таъминлашни сентябр ойидаёқ бажариб қўйганмиз. Вилоятимиздаги мавжуд 175 та матбуот дўконларида обуна расмийлаштирилмоқда. Бундан ташқари, туман ҳокимликлари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Вилоят радио ва телевидениеси орқали ҳафтада бир марта реклама қилишни йўлга қўйганмиз. Жамоатчи обуна расмийлаштирувчилар хизмати ҳам катта бўляпти.

“Андижон почтаси” акциядорлик жамияти ҳам обуна билан шуғулланади. Демак, рақобатчимиз бор. Лекин обуна ишларига асосан бизнинг корхона ихтисослашган. Биз буни чуқур англаган ҳолда ўз нуфузимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун обунага алоқадор асосий нархларни қисқартиришга ҳаракат қиляпмиз. Нашрларни ўз вақтида эгасига етказиб беришга катта эътибор берамиз. Корхона, ташкилот ва муассасаларга бориб ўз хизматимизни таклиф қиламиз. 1999 йили 8 минг обуна расмийлаштирган бўлсак, ҳозирга келиб бу рақам 50 мингдан ошиб кетган. Бу албатта чегара эмас. Муҳими, бизнинг ишончли эканлигимизга амин бўлган доимий мижозларимиз талайгина. Жумладан, вилоятимиздаги бешта олий ўқув юрти, “ДЭУ” қўшма корхонаси, барча заводлар, мактаб, коллеж, прокуратура, тиббиёт тизимидаги барча муассасалар ҳар йили биз орқали обуна бўладилар. Шунингдек, обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида туманлараро мусобақа ташкил қилганмиз. Жорий йили олтита туман рағбатлантирилди. Ушбу мавсумда Хонобод шаҳри ҳамда Олтинкўл тумани пешқадамлик қилмоқда.

**— Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги қандай?**

— Албатта ҳар бир корхонанинг ривожланиши ходимлар манфаатдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уюшмамизда 240 нафар ходим меҳнат қилади. Имкон қадар уларни ижтимоий муҳофаза қилиб келяпмиз. Ўртача ойлик маошлари 22,5 минг сўм. Бундан ташқари 2003 йилгача тузилган жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар бўйича ишчиларимиз доимо эътиборимизда.

**— Аксарият ҳолларда муштарийлар ўзи обуна бўлган нашрнинг кечикишидан ёки умуман ололмаётганидан эътироз билдиришади.**

— Нашрларнинг кечикишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўрамиз. Ҳар бир дўконда иш юритиш дафтари жорий қилинган. Бизга вақтида етиб келган нашр ҳеч қачон туриб қолмайди. Наманган, Фарғона, Қўқон шаҳарларидан матбуот нашрлари асосан автотранспортда етказиб берилади. Маълум сабаблар, яъни машина бузилиб қолишини, қишли қировли кунда бошқа бирор кўнгилсизлик содир бўлишини ҳисобга олмасак, барчаси жойида бўлади. Энди нашрнинг муштарий қўлига етиб бормаслиги ҳақида тўхталсак, бу ерда бизнинг ҳеч қандай айбимиз йўқ. Биз ўқувчи билан таҳририят ўртасида воситачимиз, холос. Кўп ҳолларда бизга юборилган журналлардан боғлами бузилмаган ҳолда тўрт, беш, ҳатто ўнтагача кам чиқади. Демак, ўн нафар ўқувчи журналсиз қоляпти. Ёки айрим таҳририятлар ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, саҳифасини кўпайтирмаган ҳолда иккита сонини бир қилиб чиқаришади. Ўйлаб қоламан. Наҳотки, ўша таҳририят ходимлари ўз ўқувчисига ҳурматсизлик қилиш билан бирга унинг ҳуқуқини паймол қилаётганини билишмаса. Ахир муштарий журналга йиллик обуна бўлган, бир йил учун пул тўлаган-ку! Энг ачинарлиси, нашрини ололмаётганлар бизга келиб эътироз билдиришади. Чунки пулни бизга тўлашганда.

**— Жуда баҳсли ва таҳририятлар жиддий ўйлаб кўрадиган фикр билдирдингиз. Масалага ойдинлик киритиш учун мисоллар келтира оласизми?**

— Марҳамат. Масалан, ўтган йили “Қалб кўзи” газетаси май ойидан сўнг келмай қолди. Суриштирсак, таҳририят ёпилган экан. Шуни бир ой аввал эълон қилиш ёки бизга хат юбориш мумкин эдику! Ваҳоланки, вилоятимизда мазкур газетага жуда кўп одамлар обуна бўлганди. Яна ўтган йили “Ғунча” журналидан мингдан ортиқ кам келди. Биласиз, бу журнал болалар нашри. Болаларни алдаб бўлмайди. Таҳририятга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Бундай ҳолатлар “Санам”, “Синфдош”, “Бошланғич таълим” каби журналларда ҳам учрайди. Тўғри, кам келган нашрлар учун ўша нашрни олиб келган вакил иштирокида акт тузиб, нашриётга юборамиз. Фақат унгача қанча кўнгилсизликлар содир бўлади. Менимча нашриётлардаги сараловчилар ҳисобда “адашмасдан”, эътибор билан ишлашлари лозим. Буни раҳбарият қаттиқ назорат қилиши керак.

**— Андижонликлар кўпроқ қайси нашрга обуна бўлишмоқда?**

— Вилоятимиз аҳолиси “Халқ сўзи”, “Андижоннома”, “Солиқ ва божхона хабарлари”, “Маърифат”, “Миллий тикланиш”, “Ҳидоят”, “Саодат”, “Халқ таълими”, “Холис”, “Даракчи” каби газета ва журналларга кўплаб ёзилишяпти.

**— Таҳририятлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганми?**

— Обуна жараёни нафақат бизга, балки таҳририятларга, уларнинг ҳаракатига ҳам боғлиқ. Қайси таҳририят ушбу мавсумда фаол иштирок этса, улоқ ўшанда кетади. Масалан, “Халқ сўзи” газетасининг вилоятимиз мухбири О.Шодмоналиев ўз газетаси учун тинмай қайғуради. “Адолат”, “Марказий Осиё маданияти”, “Ўзбекистон овози”, “Фидокор” газеталарининг мухбирлари ҳам корхонамизга ташриф буюришди.

**— Корхонангиз орқали хориж газеталарига ҳам обуна бўлиш мумкинми?**

— Албатта. Муштарийлар Россия, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари матбуот нашрларига ёзилишлари мумкин. Пулига чидаса бўлди. Уларни вақтида етказиб беришга кафолат берамиз.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ**
**суҳбатлашди**



**Суратда: Тошкент шаҳридаги 34-АТСнинг созловчи катта техниги Анвар РАҲИМОВ.**

**Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**

# ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН!

Маълумки, Республикамизда 15 ноябрдан 15 декабргача “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда. Совуқ кунларнинг бошланиши ёнғинларнинг келиб чиқиш эҳтимолини кучайтирди. Муассаса, уй-жойларда иситиш печлари ва печ мўриларининг носозлиги ёки улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида нохуш ҳолатлар келиб чиқмоқда. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолларни келтирамиз.

Жорий йил, 13 октябр куни Юнусобод тумани, С.Зуннунова кўчаси, 14-уйда газ мосламасидан нотўғри фойдаланилганлиги ҳамда назоратсиз қолдирилганлиги сабабли ёнғин келиб чиққан. Оқибатда хонадоннинг 300 м². майдони ёниб, олов қўшни хонадонларга ҳам ўтган. 30 октябр куни эса “Ўқитувчилар” кўчаси, 12-уйда ҳам ёнғин содир бўлган. Натижада 150 м². майдонда уйнинг том қисми ва жиҳозлари буткул ёниб кетган. Ёнғин электр симларининг қисқа туташуви сабабли келиб чиққан.

**Муҳтарам юртдошлар! Сизларга иситиш печларидан фойдаланишда қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътибор беришингизни эслатиб ўтмоқчимиз:**

- Ёқилган иситиш печлари устида, теварак атрофида кийимларни қуритманг, оловни ёқишда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш енгил ёнувчи суюқлик ишлатманг ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатманг;
- иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланманг ва уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдирманг;
- ўт ўчириш воситаларини совуқ кунларда ташқарида қолдириш, улардан бошқа хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкин эмас;
- совуқдан музлаб қолган воситаларни примус ва олов ёқиб эритиш, корхона ҳовлисида ўт ёқиб ҳар хил иш бажариш таъқиқланади;
- ёш болаларингизнинг гугурт билан ўйнаб, қуруқ хашакларни ёқиб юборишларига йўл қўйманг;
- иситиш печи мўриси билан уйнинг ёниши мумкин бўлган қисмлари оралиғидаги масофа 38х38 см.дан кам бўлмаслиги керак;
- шахсий уй-иморатлар орасидаги ёнғинга қарши тўсиқнинг эни 120 мм., баландлиги эса томнинг устки қисмидан 600 мм. қилиб ғиштдан ишлаб чиқилиши керак.

Азиз юртдошлар, ёнғинни ўчиришдан кўра олдини олиш осонроқдир!

Агар ёнғин чиққанини кўрсангиз, дарҳол “01” га қўнғироқ қилишни ва ўт ўчириш машинаси етиб келгунга қадар, ёш болаларни ҳамда қимматбаҳо буюмларни олиб чиқишни унутманг!

**Юнусобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими**

Совриндорларимиз

# МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПДИ

Тўғончахоннинг “Шуҳрат” медали билан тақдирланганини бир зумда бутун туманга ёйилди. Қўнғироқ қилганлар, уни шу юксак мукофот билан қутларди.

— Алло, мукофотлар қутлуғ бўлсин!

— Алло, медал билан табриклаймиз!

Опанинг шу лаҳзадаги қувончини сўз билан таърифлаш қийин эди. 32 йиллик машаққатли ва шарафли меҳнати мобайнида кечирган барча қийинчиликлари бир зумда унут бўлгандай туюлди. У таниш-билиш, дўсту қадрдонларининг табрикларини эшитар экан, ишга янги келган пайтларидаги айрим воқеалар хаёлидан бир-бир ўта бошлади.

У ишга 1970 йили ўрта мактабни тугатгач келганди. Ўша пайтлар рақамли телефонлар жуда кам бўлиб, тўғридан-тўғри уланиш каналлари орқали ишларди. Бу ёш қизчани анча қийнар, баъзан унда ишдан кетиб қолиш фикри ҳам туғилар эди. Аммо унга бу соҳада кўп йиллар ишлаган устозлари кўмакка келишди.

— Биз ҳам сенга ўхшаб аввалига роса қийналганмиз. Кетаманга тушиб, йиғлаган пайтларимиз ҳам бўлган, — деди бир куни устози Соня опа Янбердина. — Лекин чидадик, билмаганимизни сўраб ўргандик. Ишнинг осони йўқ. Ҳали кўрасан, сендан ажойиб телефончи чиқади. Ўшанда менинг айтганларимни эслаб юрасан.

Дарҳақиқат, Соня опа тўғри айтган экан. Тўғонча устозлари Розахон Зокирова, Зайнабхон Абдулиналар гапига амал қилиб, кам бўлмади. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги туфайли элга танилди. Ҳамкасблар ишончини оқлаб, 1985 йилдан бери катта телефончи вазифасида ишлаяпти.

Туманда аста-секин ўзгаришлар юз бера бошлади. Минг рақамли автомат телефон ишга тушди. 1992 йили 8 рақами билан узоқ масофаларга боғланиш йўлга қўйилди. Тўғончахоннинг иши янада ортди. Энди унинг зиммасига телефон аппаратларининг тўғри ва соз ишлаши, буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш каби вазифалар юкланди. Кичик жамоага раҳбарлик қила бошлади.

Бугунги кунда унинг ўзи тажрибали устоз. Майрамой Султонова. Обидахон Ғафурова, Башоратхон Суярқулова, Мавлудахон Ҳамзақулова, Умида Соҳибназарова, Моҳидил Худойбердиевалар Тўғонча Ботиралиевадан жуда кўп нарсаларни ўрганганликларини фахр билан айтишади. Устознинг хушмуомалалиги ва босиқлиги шогирдлар учун ибрат.

— Биз Тўғончахон Ботиралиеванинг хизматидан беҳад мамнунмиз, — дейди “Фарғона Телеком” филиали Бешариқ бўлими бошлиғи Носиржон Деҳқонов. — Унга берилган мукофот жамоамизга берилган мукофот деб ўйлайман. Опанинг кўп йиллик меҳнати муносиб тақдирланди. Биз ҳам уни доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Туманимизда 2003 йилдан янги аппаратуралар ўрнатиш режалаштирилган. Давр ўзгаряпти. Эндиликда мижозларга тез ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш пайти келди. Биз имкони борича мижозларнинг талаб ва истаклари асосида ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Абонентларимиз сони йил сайин ошиб боряпти. Ниятимиз — камчилик ва нуқсонларга йўл қўймаслик.

Тўғончахон ажойиб уй бекаси, меҳрибон она ҳам. У турмуш ўртоғи Муроджон билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, камолга етказди. Қизи Лайлохон она касбини танлади. У ҳозир АТСда оператор.

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан миллий тараққиётимизга қўшган самарали ҳиссаси учун давлат хизматлари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан катта бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида биз юқорида ҳикоя қилган “Фарғона Телеком” филиали Бешариқ бўлими катта алоқачи-телефончиси Тўғонча Ботиралиева ҳам бор эди.

**Ўткир САИДОВ**

## ВАҚТБАЙ ТЎЛОВ ШАКЛИГА ЎТИЛДИ

Жорий йили Жиззах шаҳрида Япониянинг НЕК фирмасида ишлаб чиқарилган иккита рақамли автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Натижада аҳолига замонавий алоқа хизмати кўрсатувчи бундай телефон станцияларининг сони учтага етди. Илк рақамли телефон станцияси 1999 йилнинг 27 ноябр куни ишга туширилган эди.

Ҳозирги кунда Жиззах шаҳри аҳолиси мазкур телефон станцияларининг хизматидан мамнун. Чунки алоқа сифати анча яхшиланди. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизмати кўрсатиш имкониятлари ҳам кенгайди.

Абонентларнинг аксарияти рақамли телефон станцияларига тегишли бўлгани учун шу йилнинг 1 ноябридан 2,3 ва 6-АТСларда абонент тўловлари вақтбай шаклига ўтказилди. Мутахассисларнинг айтишича, бу билан абонент тўловларининг миқдори ошган. Демак, корхонанинг даромади ҳам кўпайиши турган гап.

Аввалги пайтларда аналог АТСларда абонентлар телефон хизматидан исталганча фойдаланишар ва ойига белгиланган абонент тўловини амалга оширар эдилар. Вақтбай тўлов тизимида эса ойига 180 дақиқалик лимит — чегара мавжуд. Ушбу чегарадан ўтдингизми, ҳар бир ўтилган дақиқа учун 180 дақиқалик лимитли абонент тўловига (унинг миқдори 404 сўм қилиб белгиланган) қўшимча тарзда 1 сўм 30 тийиндан тўлаб қўйишингиз керак бўлади.

Мазкур тўлов тизимига ўтилганлиги оммавий ахборот воситалари орқали бир неча бор эълон қилинди ҳамда тизимнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида алоқа ходимлари мижозлар орасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

**Н.БОБОЕВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Бухоро Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхонанинг ходимлар бўлими етакчи муҳандиси **Зуҳра ОДИЛОВА**нинг туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайдилар.

